ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚЎЛ ЁЗМА ҲУҚУҚИДА

УДК.616.36-002.002.6:61326

ИБРОГИМОВ ГОФУР ИСКАНДАРОВИЧ

МАВЗУ: ТУРЛИ ГЕОГРАФИК ИКЛИМ ШАРОИТЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВАЛАРНИ СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ КЕЧИШИГА ТАЪСИРИ.

5А510107-ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

МАГИСТРЛИК АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ.

ИЛМИЙ РАХБАР:

АСС. А.А.ОСЛАНОВ

САМАРКАНД-2015 Й.

МУНДАРАЖА

	КИРИШ	5
1 боб	СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРГА ОИД ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	
1.1	Сурункали вирусли гепатитлар муаммосини замонавий холати	11
1.2	Сурункали вирусли гепатитларни этиологик структураси ва патогенезини замонавий холати.	13
1.3	Сурункали вирусли гепатитларни клиник аспектлари	19
1.4	СВГ даволаш принциплари	21
1.5	Экологик инфектология	26
1.6	Узга географик иклим шароитида етиштирилган мевалар таркибидаги нитратлар ва уларни жигарга таъсири буйича замонавий маълумотлар	29
2 боб	ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА МАТЕРИАЛИ	
2.1	Турли географик иклим шароитида етиштирилган мевалар (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) таркибидаги нитратлар микдорини аниклаш	38
2.2	Кузатиладиган беморларни умумий характеристикаси.	43
2.3	Текшириш усуллари	47
3.боб	ТАДКИКОТ НАТИЖАЛАРИ	
3.1	Турли географик иклим шароитида етиштирилган меваларни истемол килиш чеклаб куйилган сурункали вирусли гепатитларни репликация ва интеграция фазасидаги беморлардаги биохимик тахлиллар ва клиник узгаришлар характеристикаси	69
3.2	Турли географик иклим шароитида етиштирилган	

меваларни истемол килиш чеклаб куйилмаган сурункали вирусли гепатитларни репликация ва интеграция фазасидаги беморлардаги биохимик тахлиллар ва клиник узгаришлар характеристикаси 71
3.3 1 ва 2-клиникгурухдаги беморлардаги биохимик тахлиллар ва клиник узгаришларни киёсий характеристикаси 75
ХОТИМА 80
ХУЛОСА 87
Амалий тавсиялар 88
Фойдаланилган адабиётлар 89

Аббервиатуралар

ЖССТ	Жахон согликни саклаш ташкилоти
ИФА	Иммуноферментанализ
ПЗР	Полимераза занжир реакцияси
СВГ	Сурункали вирусли гепатит
СВГВ	Сурункали вирусли гепатит В
СВГВД	Сурункали вирусли гепатит ВД
СВГС	Сурункали вирусли гепатит С
ОИТС	Одам иммун танкислиги синдроми
УТТ	Ультатовуш текшириш
УТД	Ультратовуш диагностикаси

КИРИШ.

Мавзуни долзарблиги:

Сурункали вирусли гепатитларни популяцияда кенг таркалганлиги, патогенезидаги айрим звеноларини етарлича урганилмаганлиги, касалликни уз вактида диагностика, даволаш ва профилактика килишни кийинлиги, куп холларда жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциномага утиши, касалликни кечишини ижтимоий холатларга чамбарчас богликлиги, турли хил географик иклим шароитларда касалликни кечишини узига хос хусусиятлари атрофлича урганилмаганлиги, хозирги вактда согликни саклашнинг тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири булиб колмокда.

Сурункали вирусли гепатитларни этологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш буйича узок йиллардан буён олиб борилаётган тадкикотларга карамасдан, касалликни кечишига таъсир килувчи барча факторлар, етарлича урганилмаган.

Вирусли гепатит В вирусини ташувчиларда ривожланадиган жигарни вирусли циррози ва гепатоцеллюяр карциномадан хар йили 40 млн киши вафот этмокда. (Гарбузенко Д. В. Мультиорганные гемодинамические нарушения при циррозе печени Терапевтический архив - 2007. - Т.79, № 2. - С.73-77)

Иктисодий ривожланган мамлакатларда улимга олиб келадиган асосий олти сабабнинг бири жигар циррози булиб, хар 100 минг ахолида 14-30 та холатда учрайди. МДХ мамлакатларида 1 % ахоли жигар циррозига чалинган. (Шерлок Ш., Дули Дж. Заболевания печени и жёлчных путей. - М. : ГЭОТАР Медицина, 1999.

ЖССТ нинг расмий маълумотларига кура ер юзи ахолисининг 2 миллиарди вирусли гепатит В вируси билан, 500 млн киши вирусли гепатит С вируси билан зарарланган (7% ахоли), 400 млн киши сурункали вирусли гепатит В чалинган. (Ю.В.Лобзин, Е.С. Белозеров., М., 2007). Йилига 1 млн киши факат HBV инфекциясидан вафот этмокда.

Вирусли гепатит вирусларига карши хозиргача куплаб вирусга карши дори препаратлари ишлаб чикарилган булишига карамасдан уларни етарлича самара бермокда деб булмайди. Мавжуд вирусга карши дори препаратларни эса ута кимматлиги беморларга ушбу препаратларни кенг ишлатишда катор муаммоларни вужудга келтирмокда.

Сурункали вирусли гепатитларни даволаш буйича гепатологияда кенг куламда илмий изланишлар олиб борилиши ва бирмунча самара бераётганлигига карамасдан, касалликни кечишига таъсир килувчи турли экологик факторларни таъсири масаласи буйича илмий адабиётларда илмий изларнишлар етарлича олиб борилмаган.

Охирги 2000 йил ичида дунё ахолиси 1000 марта купайган булса, озик овкат махсулотлари эса 100 марта купайган. . (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007) Ахоли сонини, миграциясини ва озик овкатларга булган талабни усиши, озик овкат махсулотларини, меваларни (хорижий олма, нок, банан, лимон, мандарин, киви) хам импорт ва экспорт килинишини усишига олиб келди.

Турли географик иклим шароитида етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) махаллий ахолии уртасидаги сурункали вирусли гепатит касаллиги бор беморларга таъсири ва уни урганиш буйича мавжуд илмий адабиётларда бирор бир илмий изланишлар килинганлигини аниклаб булмади.

Изланишнинг максади:

Турли географик иклим шароитларда етиштирилган, меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) махаллий (Самарканд вилояти мисолида) ахоли уртасидаги турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни клиник кечишига таъсирини урганиш.

Изланишнинг вазифалари:

1.Турли географик иклим шароитида етиштирилган мевалар таркибини радиологик ва кимёвий токсик текшириш.

2. Турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни репликация ва интеграция фазаларида булган, узга географик иклим шароитида етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) истемол килаётган махаллий беморларда биохимик тахлиллар ва клиник узгаришларни кузатиш хамда таккослаш.

3. Турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларга чалинган, узга географик иклим шароитида етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) истемол килиш чеклаб куйилган махаллий беморлардаги биохимик тахлиллар ва клиник узгаришларни кузатиш хамда таккослаш.

Текшириш материаллари ва усуллари.

1. Узга географик иклим шароитида етиштирилган мевалар (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) ва улар таркибидаги нитратлар микдорини текшириш.

2. 2012-13-14-2015 йилларда № 2- сон шахар, вилоят юкумли касалликлар шифохонасида, амбулаторияларда турли этиологияли сурункали вирусли гепатитлар билан даволанаётган ва узга географик иклим шароитида етиштирилган хорижий меваларни истемол килаётган хамда истемол килиш чекланган беморлар.

Текшириш усуллари: эпидемиологик, анамнестик, клиник, биохимик, серологик, ПЗР, УТТ маълумотлар.

Илмий янгилик:

Турли географик иклим шароитларда етиштирилган, меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) махаллий (Самарканд вилояти) ахоли уртасидаги турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни кечишига таъсири биринчи бор урганилмокда. Мавжуд махаллий ва хорижий илмий адабиётларда турли географик иклим шароитларда етиштирилган экзотик меваларни махаллий ахоли уртасидаги турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни кечишига таъсири

тугрисида бирон бир илмий изланишлар килинганлиги тугрисида маълумотлар топилмади.

Амалий ахамияти:

-Узга географик иклим шароитларда етиштирилган, меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) махаллий (Самарканд вилояти) ахоли уртаси учрайдиган турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларга чалинган беморлар пархезидан чеклаш, касалликни кайталанмаслигига, репликация фазасини интеграция фазасига утишига, беморларни клиник жихатдан узларини яхши хис килишларига, иктисодий тежамкорликга олиб келади.

-Узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) махаллий (Самарканд вилояти) ахоли уртаси учрайдиган сурункали вирусли гепатитларга чалинган беморлар пархезидан чеклаш, клиник самарадорликга, Узбекистон иклим шароитида меваларни етиштиришни ривожланишига, Узбекистонда мул кулчиликга хамда иктисодий тежамкорликка олиб келади..

Натижаларни амалиётда кулланилиши.

Олинган натижалар вилоятнинг аксарият туманларида турли этиологияли сурункали вирусли гепатитлар билан даволанаётган беморлар базис терапиясига кушимча сифатида тадбик килинмокда.

Химояга куйилган диссертациянинг асосий жихати:

1. Инсон организимига нитратларнинг 70% мева ва сабзавотлар оркали кириши, ёгингарчилик ва намгарчилик куп буладиган мамлакатлар мевалари таркибида нитраталар микдорини нормага нисбатан купрок микдорда булишлиги, нитратларни организмда токсик нитритларга айланиши, натижада жигарда моддалар алмашинувини бузилиши, альбумин синтезини камайиши, холестерин микдорини ошишини, цитолитик, интокцикацион синдромларни кучайиши окибатида, турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни клиник кечишига узга географик иклим шароитларда

етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) салбий таъсир килиши кузатилди. .

2. Турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни репликация ва интеграция фазаларида булган беморларга узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) истемол килишни чеклаб куйиш касалликни репликатив фазасидан интегратив фазасига утишига, конда оксил алмашинувини яхшиланишига, альбумин микдорини кутарилишига, холестерин микдорини пасайишига, трансферазалар микдорини пасайишига, беморлар ахволини клиник яхшиланишига, касалликни кайталанмаслигига олиб келиши кузатилди.

Публикациялар.

Сурункали вирусли гепатитларни клиник кечишига узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) таъсири буйича 5 та илмий макола чоп этилди.

1.Носыров Ф.Ш., Осланов А.А. Ибрагимов Г.И.,Бултаков З.С.
«О влияние фруктов и овощей, привезённых из других регионов с разными климатическими условиями, на течение хронических вирусных гепатитов» в журнале «Проблемы экологии, здоровья, фармации и паразитологии» Москва 2013г.с. 208-210.

2. Носыров Ф.Ш., Расулов С.К., ОслановаА.А., Ибрагимов Г.И.,
Фрукты-овощи и здоровье человека в журнале «Проблемы экологии, здоровья, фармации и паразитологии» Москва 2014г.с.133-135.

3.Осланов А.А., Мухамедова С.Э., Ибрагимов Г.И.
Репликация фазасидаги сурункали вирусли гепатит В нинг кечишига импорт мева ва сабзавотларнинг таъсири. Проблемы биологии и медицины. Материалы научно практической конференции с международным участием « Современные вопросы медицинской паразитологии и инфекционных заболеваний»..2014, № 3. (79) с.153-154

4. Осланов А.А., Ибрагимов Г.И. Репликация фазасидаги сурункали гепатит в нинг кечишига импорт мева ва забзавотларнинг таъсири. «Инфекции,иммунитет и фармакотерапия с позиции интеллектуальной собственности» Тошкент.01.05. 2015 с. 63-64

5. Осланов А.А., Ибрагимов Г.И. Сурункали гепатит в кечишига доимий яшаш жойни бошка иклимий шароитли жойга узгартиришнинг таъсири. Инфекции,иммунитет и фармакотерапия с позиции интеллектуальной собственности Тошкент. 01.05. 2015 с. 64-65

Диссертациянинг тузилиши ва хажми.

Диссертация 100 бетдан иборат булиб, кириш, адабиётлар шархи, текшириш усуллари ва материаллари, текшириш натижалари, хотима, хулоса, амалий тасвиялар ва адабиётлар руйхатидан иборатдир. Илмий ишда 21 расм ва 26 жадвал иллюстрация килинган..

1.Боб. СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРГА ОИД ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

1.1. Сурункали вирус гепатитларга моммасини замонавий холати.

Юкумли касалликлар структурасида вирусли гепатитлар етакчи уринни эгаллайди. Ахоли саломатлигига вирусли гепатитларни жиддий зиён етказиши, юкори суратларда сурункали тус олиб, вирусли циррозларга ва гепатоцеллюляр карциномага утиш билан изохланади. Одам барча усма касалликларини 5,4 % ни гепатоцеллюляр карцинома (ГЦК) ва 95 % ни — бирламчи жигар хафли усма касаллиги ташкил килади.

Гепатоцеллюляр карцинома этиологиясида охирги ун йилликда сурункали HCV-инфекцияси етакчи уринларни эгаллайди. 10-20 йилдан кейин HCV-инфекциядан ва унинг окибатларидан улим 3 мартагача ошиши тахмин килинмокда. ЖССТ мутахассисларини прогноз килишларича сурункали вирусли гепатит С, согликни саклаш миллий органларининг бош муаммосига айланади. (И.А. Анастасий, Кафедра инфекционных болезней НМУ им. А.А. Богомольца, г. Киев).

Утган асрнинг 70- йилларидан бошлаб тиббиёт сохасида кон ва кон препаратларини ишлатилиши, органларни кучириб утказиш, инструментал текшириш ва даволаш усулларини такомиллашуви, маълум бир вирусларни одамдан одамга утишини тезлашишига, окибатда вирусларни мутацион узгарувчанликка учрай бошлашига, окибатда вирусли гепатитларни купайишига олиб келди.Хозирги кунга келиб дунё ахолисининг 2 миллиардида гепатит В вируси, 500 млн кишида эса гепатит С вируси борлиги аникланган.. Сурункали вирусли гепатитларга чалинганлар сони эса 100 млн га якин кишини ташкил килиб, уларнинг 50% 5 йил ичида нобуд булмокда.

Вирусли гепатитлар, айникса сурункали вирусли гепатитларни кенг таркалишини олдини олиш, сурункали вирусли гепатитларда фиброз ривожланишини уз вактида диагностика килиш ва даволаш муаммоси нафакат инфектологиянинг, балки инсониятнинг тиббий-биологик ва

ижтимоий муаммолардан биридир (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007).

ЖССТ расмий маълумотларига кура сурункали вирусли гепатитлар ва жигар циррозлари улим сабаби буйича 10- уриндан 5- уринга кутарилди.

Дунё буйича барча вирусли гепатитлар ичида вирусли гепатит В ва С эгаллаган урни буйича доминантлик килади. Вирусли гепатит В ва С, беморлар сонини тинимсиз купайиб бориши ва окибатининг купчилик холларда ёмон тугаши билан характерлидир.

Ватанимиз ва хорижий гепатологларнинг HCV- ва HBV-инфекцияларини патогенези ва даволаш масаласида эришган ютуклари сезиларли булишига карамасдан, этиотроп даволашнинг айрим жихатлари уз ечимини хозирча тулик топганича йук. .

Айникса сурункали вирусли гепатитларни самарали патогенетик даволашда, базис терапия масаласидаги купгина жихатлар хамон уз ечимини тулик топган деб булмайди. (Майер К.П. Гепатит и последствия гепатита: Практич. рук.: Пер. с нем. — М.: ГЭОТАР Медицина, 2004. — 717 с.)

Хозиргача хамма олимлар томонидан тан олинган ягона даволаш стандартлари ва беморларни олиб бориш тактикаси ишлаб чикилмаган. Мавжуд таклиф этилаётган унлаб базис терапияга оид таклифлар ва вирусга карши дори препаратлари билан даволаш усулларини етарлича самара бераяпти деб булмайди.

Вирусли гепатитларда жигар соглом одам жигарига нисбатан яхширок ишлайди. (Тайны и парадокы печени А.Ф. Блюгер М.1988 стр 57-70) Вирусли гепатитларда жигарда биотрансформация, ходисаси кучайиб кетади, барча махсулотлар ва кимёвий препаратларни жигар тезда парчалаб ташлайди. Окибатда бирор бир дори дармонлар организмга таъсир кила олмайди. Бу жигарни кимёвий химояси дейилади. Хомиладорларда ва болаларда эса биотрансформация суст булади ва дори дармонлар организмга тула тукис сурилиши мумкин. Шунинг учун хам болаларга,

хомиладорларга дори -дармонлар истемол килишни мутлоко чеклаб куйиш ёки кам дозаларда бериш керак. (А.Ф. Блюгер. Тайны и пародоксы печени 1988 стр 59-71).

1.2. Сурункали вирусли гепатитларни этиологик структураси ва патогенезини замонавий холати.

Хозирги кунда вирусли гепатитларни 8 та А, Е, В, С, D, Ж, TTV, Sen каби турлари фанда маълум. Юкумли касалликлар ичида вирусли гепатитлар учраш частотаси ва холати буйича, уткир респиратор касалликлар ва уткир ичак инфекцияларидан кейин учинчи уринда туради Вирусли гепатитларнинг вирусли гепатит В, С ва D, турлари аксарият холларда сурункали кечади. (А.Г. Рахманова,В.А. Неверов, Г.И. Кирпичникова, Н.И. Кузнецов, Т.П. Демиденко, А.П. Ремезов, Е.В. Степанова г. Санкт-Петербург Вирусные гепатиты Пособие для врачей Кольцово, 2001).

Сурункали вирусли гепатитларни классификацияси.Лос Анжелос 1994

I. Этиологиясига караб:

- сурункали вирусли гепатит В, С, D, G;
- сурункали вирусли гепатит В ва D, С ва В ва бошкалар;
- сурункали вирусли гепатит аникланмаган этиологияда

II. Инфекцион жараённи фазасига кура:

1. аникланган этиологияда:

- репликация;
- интеграция;

2. аникланмаган этиологияда:

- кайталаниш;
- ремиссия.

III. Инфекцион жараённи фаоллик даражасига караб:

- минимал;
- кам намаён булган;
- бирмунча намаён булган;
- кучайган;
- фульминант жигар энцефалопатияси билан.

IV. Стадиясига караб:

- 0 - фиброзсиз;
- 1 – кам намаён булган перипортал фиброз;
- 2 – бирмунча намаён булган фиброз портопортал септалар билан;
- 3 – кучайган фиброз портоцентрал септалар билан;
- 4 – жигар цирроз;
- 5 – бирламчи гепатоцеллюляр карцинома.

V. Етакчи синдромига караб:

- цитолитик,
- холестатик,
- аутоиммун.

VI. Асорати:

- жигар энцефалопатияси;
- геморрагик синдром;
- шиш-асцит синдром;
- бактериал асоратлар (ичак флегмонаси, пневмония ва бошкалар.).

Вирусли гепатит С вирусини тузилиши. 1. расм



Вирусли гепатит В вирусини тузилиши. 2- расм



Вирусли гепатит Д вирусини тузилиши. 3- расм



Сурункали вирусли гепатит В ва С нинг патогенезини асл мохияти, гепатотроп вирусларни турли сабаблар; макроорганизм иммун тизимини кучсиз иммун жавоб реакцияси, вирусларни кучсиз иммуногенлиги ёки суст репликатив фаоллилиги, макроорганизмнинг индивидуал мойиллиги каби сабаблар туфайли жигар хужайраларида вирусларни узок муддат колиб кетиши билан изохланади. Сурункали вирусли гепатитларда иммун тизимни хужайравий ёки гуморал звеносини нуксони туфайли гепатоцитларда апоптоз жараёни тулик юз бермайди. (А. О. Буеверов, Клиника пропедевтики внутренних болезней, гастроэнтерологии и гепатологии им. В.Х. Василенко, Московская медицинская академия им. И.М. Сеченова)

Вирусли гепатит С вирусини репликацияси. 4- расм

Вирусли гепатит В вирусларини кучли мутацион узгарувчанлиги унинг иммун тизим таъсиридан кочиб узок муддат гепатоцит ядросида сакланиб колишига сабаб булади. Вирусли гепатит С вирусининг кучсиз иммуногенлиги ва кучли мутацион узгарувчанлиги унинг макрорганизм гепатоцитларининг цитоплазмасида узок вактлар давомида сакланишига сабаб булади.

Вирусли гепатит В вирусини репликацияси. 5- расм.



Сурункали вирусли гепатит В да вирус жигар хужайралари ДНК сида узок муддат давомида интеграцияланган фазада булиб, турли ташки ва ички факторлар таъсирида репликация фазасига утиб туришади.

Вирусларни гепатоцитларда узок муддат колиб кетиши, гепатотоксик цитокинлар ишлаб чикарилишига, окибатда Ито хужайраларини активлашиши ва Дисс бушлигига бириктирувчи тукимани усиши ва перицеллюляр фиброз ривожланиши. Жигар синусоидларини капиляризацияси хисобига кон айланишини бузилиши ва кон томир узанини кичрайиши натижасида гепатоцитларни ишемик некрози бошланиши.

Сурункали вирусли гепатитларда фиброз стадиялари. 6- расм.



Вирусли гепатит В ва С ларнинг клиник куриниши турли туман булиб, улар дармонсизлик, тез чарчаш, иштахасини пастлиги, овкатдан кейин дамлаш ич котиши, жигар сохасидаги огирлик, огзини аччик булиши, ориклаш , кайфиятини ёмонлашуви каби белгилар билан намаён булади. Сурункали вирусли гепатитларда фиброз ривожланиши. 7- расм



Жигарда фиброз ривожланишини патогенези. 8- расм.

Рис. 3. Схема патогенеза ФП

Жигарнинг Дисс бушлигида юлдузсимон хужайраларнинг активлашиши. 9- расм.



1.3. Сурункали вирусли гепатитларни клиник аспектлари.

Вирусли гепатит В ва С вирусларининг жигардан ташкари бошка барча органларда хам репликация бериши кузатилмокда. . (А.Г. Рахманова,В.А. Неверов, Г.И. Кирпичникова, Н.И. Кузнецов, Т.П. Демиденко, А.П. Ремезов, Е.В. Степанова г. Санкт-Петербург Вирусные гепатиты Пособие для врачей Кольцово, 2001).

HCV-инфекцияни жигардан ташкари органларда репликацияси. (Т.Н. Лопаткина, ММА им. И.М. Сеченова . Информационный бюллетень N2 (9), 2000)

1-жадвал

Эндокрин органларда	Гипертиреоз Гипотиреоз Хошимота тиреоидити Кандли диабет
Гематология	Аралаш криоглобулинемия Идиопатик тромбоцитопения Ходжкинсиз В-лимфома* Вальденстрем макроглобулинемия Апластик анемия
Сулак безлари ва куз	Лимфоцитар сиалоаденит* Тур парда яраси Mooren Увеит
Тери	Терини некрозли васкулити* Тери порфирияси Кизил ясси темиратки Мультиформли эритема* Тугунли эритема* Малакоплакия Эшак еми*

Нейромушак ва бугимлар	Миопатик синдром* Периферик полинейропатия* Гийен-Барре синдроми Артритлар, артралгии*
Буйрак	Гломерулонефрит*
Аутоиммун ва бошкалар	Тугунли периартериит Интерстициал упка фибрози* Упка васкулити* Гипертрофик кардиомиопатия CRST-синдром Антифосфолипидли синдром Аутоиммун гепатит 1 ва 2 типи Бехчета синдроми Дерматомиозит

Бугунги кунда ЖССТ нинг расмий маълумотларига кура курраи заминимизда 2 миллярд кишида вирусли гепатит В вируслари бор булиб, уларнинг аксариятида вирус хужайра ДНК сида интеграциялашган холатда, 400 -500 млн кишида вирус репликация фазасидадир. . (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007)

Сурункали вирусли гепатит С кечиши. 10- расм



Вирусларни кандай омиллар таъсирида интеграция фазасидан репликация фазасига утиши ёки вирус интеграциялашган хужайраларни цитокинлар ишлаб чикариши окибатида Ито, Купфер, эпителиал синусоид хужайраларни фаоллашуви натижасида жигарда фиброгенез ривожланиши буйича хозиргача купчилик факторлар маълум. (Яковенко Эмилия Прохоровна – доктор медицинских наук, профессор,заведующая кафедрой гастроэнтерологии ФУВ РГМУ;Иванов Александр Николаевич – кандидат медицинских наук, доцент кафедры гастроэнтерологии ФУВ РГМУ;) Бирок улар ичида климатик факторлардан яъни узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларни таъсири хам ахамияти борлиги буйича ва айнан кандай клиник ва лабаратор узига хос узгаришлар булишлиги тугрисида мавжуд илмий адабиётларда бирор бир маълумот берилмаган.

Сурункали вирусли гепатитларни репликация ва интеграция фазасида булган беморларга узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) истемол килишлари сурункали вирусли гепатитларни интеграция фазасида булган беморлар жигарида фиброгенезни узига хос фаоллашуви натижасида пайдо буладиган фиброзга хос клиник белгиларни пайдо булиши бизни кузатишларимизда кузатилмокда.

1.4. Сурункали вирусли гепатитларни даволаш принциплари.

СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ ДАВОЛАШ. (Уз.Р.ССВ СВГ даволаш баённомаси 2014 й)

Базис даво:

Тартиб: ярим ётоқ, кайталаниш даврида.

Пархез:Сурункали вирусли гепатитларда хуруж даврида Певзнер бўйича.

№5 стол берилади.

Сурункали гепатитларни даволаш ўз ичига олади:

-сабаб бўлган омилларни йўқотиш – организмдан вируснинг элиминацияси ва санацияси ёки қўзғатувчини музлатиш – этиотроп даво.

-касаллик патогенезининг турли босқичларини коррекция қилиш, организмга вирус тасирини камайтириш – патогенетик даво.

Вирусга қарши даво.

Сурункали вирусли гепатит В га этиотроп вирусга қарши даво сифатида интерферон α билан монотерапия, шунингдек нуклеозид анологлари билан бирга қўллаш мумкин, вирус репликацияси фаоллигини курсатувчи маркётлар аникланса (HBeAg, анти-HBcIgM, ДНК HBV > 105 копия/мл), трансаминаза кўрсаткичи 2 мартадан ошса нуклеозид аналоглари монотерапия сифатида қўлланилиши мумкин.

Сурункали вирусли гепатит Сда интерферон терапия кўрсатмалар:қон зардобида анти-HCV, РНК HCV аниқланса. СВГСда комбинирован даво тавсия этилади, қайсики ўз ичига ИНФ - препаратлари рибавирин билан бирга.

Сурункали жигар касалликларида базис терапия.

1. Жигар шикастланишига таъсир қилувчи атроф мухитнинг ноқулай таъсирлари ва ятроген таъсирларни олдини олиш бўйича чора тадбирлар.

- инкор этиш: қуёш нурининг тик тушишидан, исиб кетиш , совқотиш, эмлашлар (фақат хаётий кўрсатмалар асосида)
- чегаралаш: дори воситаларини қабул қилиш (фақат хаётий кўрсатмалар асосида)

2. Диета оқсил ,ёғ ва углеводлар миқдори етарли сақланган холда, кимёвий консервантлар ва юқори миқдорда эфир моддалари сақловчи моддаларни чегаралаш. Спиртли ичимликларни қабул қилмаслик.

3. Жигарнинг функционал зўриқишини олдини олиш учун хазм қилиш холатини яхшилаш.

4. Дезинтоксикацион терапия

- В/и томчилатиб глюкозанинг 5% эритмаси 400-500 мл + 5% аскорбин кислотаси 2-10 мл

5. Гепатопротекторлар ва антиоксидантлар

6. ўт хайдовчилар(урсодезоксихолиевая кислота)

7.модда алмашинишига таъсир қилувчи препаратлар (витаминлар, анаболиклар, аминокислоталар)

8.Профилактикаси

-маиший йўл билан юқишнинг олдини олиш(маникюр, педикюр, татуаж, пирсинг ва б.)

-ҳомиладорларда HBsAg ни аниқлаш, перинотал юқишни олдини олиш мақсадида.

-Гепатита В га қарши эмлаш.

- ўткир вирусли гепатит бўлган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш.

- HBsAg-антиген ташувчилар билан Дельта – инфекцияни қўшилиш эхтимоли профилактикакси туғрисида сухбат ўтказиш.

Вирусли гепатитларни даволашда интерферонотерапия энг самарали деб тан олинган. Интерферонлар бу аутоген гликопротеинлар булиб, таъсир биомеханизми хужайра генларини (депрессиялаш) активлаштириш билан богликдир. Бунинг окибатида вирус ДНК (РНК) сини ингибирловчи оксилар синтезланади ва хужайра мембранасидаги HLA антигенлар экспрессияси кучаяди, хамда цитотоксик Т-хужайралар ва табиий киллерлар активлиги ошади.(Л. Г. Горячева, д. м. и., И. В. Шилова, к. м. н. ФГУ НИИ детских инфекций Росздрава, Санкт-Петербург) .

Интерферонлар билан айникса ген инженерли рекомбинант интерферонлар билан даволаш кенг кулланилади.

ИФН альфа-2b билан СВГС ни даволаш схемаси: ИФН альфа-2b 3 млн. ХБ дозада хафтасига 3 марта 12 хафта давомида килинади. Сурункали вирусли гепатитларни интерферон билан даволаш самарадорлиги уртача 23-48% ташкил килади.

Сурункали вирусли гепатитларни самарали даволаш муаммоси хозирги кунгача тулик уз ечимини топганича йук.Аксарият холларда

сурункали вирусли гепатитларни даволаш амбулатория шароитда олиб борилади. Касаллик кайталанганда ва асорат берганда даволаш чора тадбирлари юкумли касалликлар шифохонасида олиб борилади.

Бирор бир супер замонавий дориларни маълум бир органдаги касалликка ижобий таъсирига нисбатан, унинг организмдаги бошка латент инфекцияларни геномини узгартириб куйишлиги ва янги серотиплар пайдо булишига олиб келишлиги, окибатда бу вирус нафакат жигарда балки бошка органларда хам касаллик чакириши кузга ташланмокда. Масалан вирусли гепатит С ни вирусини 11 та генотипи ва 100 дан ортик серотипи булиб улар буйракда, ошкозон ости безида, калконсимон безда, терида репликация бера бошлаганлиги тугрисида маълумотлар бериб борилмокда.

Ушбу фикрларни далили сифатида шуни такидлаш жоизки вирусли гепатитларни интерферон билан даволаш бошлангандан бошлаб вирусли гепатит В вируси геномни pre-C зонасида мутация юз бера бошлаганлиги ва мутант штамм номи билан табиатда таркала бошлаганлиги тугрисида илмий адабиётларда маълумотлар берилмокда.

Вирусли гепатит В га карши вакцинация килиш бошлагандан бошлаб эса вирус геномни pre-S/S зонасида мутацион узгариш юз берганлиги окибатида вирусни мутацион узгаришларга учраши бошланди ва у энди вакцина олган ва конида антителаси бор кишиларда хам касаллик чакира бошлаб, инапарант ва субклиник формаларда кеча бошлади. . (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007)

Нафакат кимёвий дори препаратлари балки доимий яшаш жойини узгартириш хам жигар вирусларида узгаришлар булишига олиб келмокда. Сурункали вирусли гепатитларга чалинган кишиларни доимий яшаш жойини узгартириб узга иклим шароитли жойларга кучиб утишлари, улардаги мавжуд латент инфекцияни манфест инфекцияга айланишига, касалликни кайталанишига олиб келиши бизни монитор кузатишларимизда

кузатилмокда. Вируслар янги иклим шароитга мослашиш учун уз тузилишини узгартиришга мажбур булишади ва окибатда янги узгарган, мутант вирусга айланиши ёки организм иммун тизими янги вирусга яна антитела ишлаб чикариши табиийдир.Окибатда касалликни кайталаниши ёки авж олиши кузатилмокда.

Вирусли инфекцияларни хозирги замонавий кечишида шу нарсани алохида кайд этиш керакки вируслар юкумли касалликлар буйича укув кулланмаларда ёзилган уйин коидасига риоя килмаётганликлари, (М.В.. Супотницкий 2009) хозирги кунда инфекцион жараёнлар циклик, ноциклик ва куп компонентли ноциклик инфекцион жараёнлар шаклида юз бераётганлиги тугрисида маълумотлар бериб бормокда.

Инфекцион касалликларни даволаш ва вакцинация килиш утган асрнинг охирларида ягона тугри йул деб уйлашиб, барча укув дарсликларида ва кулланмаларда, халкаро тавсияларда ун йиллар давомида принципиал узгармади ва илмий ишлар кайта нашр килиниши медицина ходимлари тасаввурида догма булиб колаверди. Бугун дунё хамжамияти юкумли касалликлар ва уни инсон патологиясидаги ролига етарлич эътибор беришмаяпти. Шу туфайли унга карши курашишда етарлича мувафакиятларга хозирча эришганларича йук. (Супотницкий М.В. Эволюционная патология. — М., 2009.)

Хозирги кунда турли омиллар таъсирида жигарни вирусли инфекцияларни кечиши охирги 40-50 йил ичида тубдан узгариб бормокда. Беморларни яшаш жойининг географик жойлашуви, иклими, иммун тизимини холати, иммун статуси, у истемол килаётган овкатларни таркибини хар хиллиги муносабати билан мавжуд вирусли инфекцион касалликларни кечиши, клиник куриниши хамма жойда хар хил булишлиги муносабати билан, мавжуд вирусли инфекцияларга янгича нуктаи назар билан, уша жой нуктаи назари билан караш керак булади.

Мозий гувохки, хеч качон ва хеч ким реал вокейликни, янгиликни эски тасаввурлар билан фахмлай олмайди. Шунинг учун бедаво

касалликлар кузатилаётганлигини курган ва бизнес босими остида колган аксарият халкаро ташкилотлар вирусли инфекцияларни асл сабабини излаш билан эмас балки янги дори препаратларини излаш билан шугулланишмокдалар холос. (Супотницкий М.В. К вопросу о месте ВИЧ-инфекции и ВИЧ/СПИДпандемии среди других инфекционных, эпидемических и пандемических процессов. 2. Внутриклеточные паразиты и симбионты многоклеточных организмов // Энвайронментальная эпидемиология. — 2007. — Т. 1, № 2. — С. 183258.)

Сурункали вирусли гепатитларни базис терапияси масаласи буйича купчилик тан олган критериялар хозирча ишлаб чикилмаган. Вирусли гепатитларни айникса сурункали вирусли гепатитларни базис терапияси масаласида жумладан, гепатопротекторлар буйича бир бирини рад этадиган карама карши фикрлар мавжуд. Фармакология фанида анатомо-химико- терапевтик классификацияда умумий номдаги доривор «гепатопротектор» препаратлар йук. Мавжуд ананавий гепатопротекторлар деб аталадиган препаратларни «жигар касалликларини даволашда ишлатиладиган препаратлар» грухига киритиш мумкин.

1989- йилдан бошлаб гепатопротекторлар булмиш фосфолипидларни терапевтик таъсири буйича 5 та клиник текшириш утказилган. 2003- йилга келиб Veterans Affairs cooperative study ушбу препаратларни жигарга ижобий таъсири буйича бирор бир нарса аникланмаган. Бирок шу нарса аникланганки фосфалипидларни уткир ва сурункали вирусли гепатитларда ишлатиш мумкин эмас чунки улар ут димланиши ва яллигланиш фаоллилигини кучайишини таъминлаб беради.

1.5. Экологик инфектология.

Сунгги йилларда инфектология фанида экологик иммунология тушунчаси пайдо булди. Экологик иммунология турли географик иклим шароитларни инфекцион жараёнларга таъсирини урганиш билан шугуллана бошлади (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007). Шу нуктаи назардан келиб

чикадиган булсак, турли географик иклим шароитларни юкумли касалликларга таъсирини урганиш билан бирга, узга иклим шароитларда етиштирилган меваларни (хоржий олма, нок, банан, мандарин, лимон, киви) инфекцион жараёнларга таъсирини урганиш хам сурункали вирусли гепатитларни даволашда мухим омиллардан биридир.

Атроф мухит ва иклим узгаришлари инфекцион ва эпидемик жараёнларга сезиларли даражада салмокли таъсир килади. Айрим холларда атроф мухит ва иклим узгаришлари организмни касалликларга сезгирлигини оширса, баъзида чидамлилигини оширади. Атроф мухит ва иклим узгаришлари ва уларни инсон саломатлилигига таъсирини урганиш жиддий ва долзарб муаммолардан биридир. (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007).

Узок эволюция жараёнида мавжуд ташки мухитга ва унда етиштирилган озик овкат махсулотларга аста секин мослашиб ва такомиллашиб келган инсоният ва унинг физиологик хусусиятлари, жадал суратларда тараккий этаётган фан техника ривожланишига, тез узгараётган экологик, иклим узгаришларига, узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларга (хорижий олма, нок, лимон, банан, мандарин, киви) тез мослаша олмайди. Масалан Россия ахолиси учун нок ва олмадаги нитратлар микдори 60 мг/кг гача чегаравий нормал доза хисобланса бу курсатгич Узбекистон ахолиси учун 50 мг/кг ташкил килади.

Экологик мухитни узгариши билан инсон табиати уртасидаги карама- каршилик инсонни мосланувчанлик хусусиятини узгартириб куйиши ва касалликлар бошланишига олиб келиши мумкин. (Комплексная оценка иммунного статуса здорового человека в динамике проживания в условиях Заполярья./Авт. А.С.Самойлов, А.П.Колесников Н.В.Цуркман, О.А.Колобова. – В кн.: Основные аспекты географической патологии на Крайнем Севере. Норильск, 1976, с.142-144).

Атроф мухитни ва узга географик иклим шароитларда етиштирилган меваларни инфекцион касалликларни кечишига таъсири, унинг таркибидаги нитратлар микдори, иммун тизим ва носпецефик химоя факторларнинг холати билан изохланади. Таъкидлаб утилганидек иммун тизим, ташки мухит экологик узгаришларига ва унда етиштирилган озик овкатларга ута сезгирдир. Атроф мухитни ва унда етиштирилган меваларни негатив таъсири, иммун тизимни чидамлилиги, унинг генотипига , унинг соглигига ва бошка омилларга боглик.

Иммун реактивлик ва унинг минтакавий узига хослиги МДХ мамлакатлари худудларида текшириб курилганда уларнинг иммун статуси хар хил типда эканлиги аникланган. Урта Осиё минтакасини айрим шахарлари ва ахоли пунктларида кишиларнинг иммун тизими гуморал звеносини сустлиги, Тошкентда эса гуморал механизми активлашган, хужайравий иммунитети эса нормал ёки бироз сусайган иммун статусли кишилар эканлигини Россия иммунология институти мутахассислари кузатишган. (Хаитов Р.М., Пинегин Б.В., Истамов Х.И. Экологическая иммунология. – М.: ВНИРО, 1995. – 219 с.)

Атроф мухит факторларини одам соглигига таъсири буйича янги «Атроф мухит факторларини хафли таъсири» тушунчаси киритилган. ЖССТ нинг 1978- йилдаги тавсиясига кура бу озик овкат махсулотлари булиши хам мумкин. (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007).

Хорижий меваларни одам организимига ижобий таъсири тугрисида илмий адабиётларда кенг маълумотлар бериб борилмокда. Аммо бу маълумотлар факат соглом одамлар ва уша жойдаги махаллий ахоли учун тугри булиши мумкин.

Жигар касалликларига айникса сурункали вирусли гепатитларга чалинган беморлар базис терапиясида, беморларга пархез таомлар тавсия килишда ушбу масалага иклим нуктаи назаридан ёндашиш етарлича урганилмаган. Уз урнида шуни такидлаб утиш керакки Самарканд

шахри денгиз сатхидан 702 м баланликда, кординатлари 3965417° шимолий кенглик. 66.95972° шаркий узокликда жойлашган.

Шарқда минг йиллардан буён одамларни табиблар даволаб келишади. Олимларнинг таъкидлашларича, сунъий йўл билан дори тайёрлашни ўйлаб ҳам кўрмаган ўтмишдаги барча номдор табиб-ҳакимлар амалиётида доривор ўсимликлар 70-80 фоизни ташкил этган, қолгани ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари, озгина қисми эса табиий маъданлардан иборат бўлган.

Ҳозирги пайтда Хитой, Япония, Виетнам, Корея, Лаос, Малайзия каби мамлакатларда халқ табобатига давлат мақоми берилган. Биргина Хитойда тиббий хизматнинг 40 фоизи халқ табиблари томонидан кўрсатилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) ўтган асрнинг охирги йилларида халқ табобатини чуқур ўрганиш ва бу соҳадаги тадқиқотларни янада кенгайтириш бўйича бир неча қарорлар қабул қилди.

Халқ табобати беш минг йилдан буён одамларни даволаб келар экан, унинг ютуқларидан ва самараларидан фойдаланиш керак. Бу борадаги аҳволга холис кўз билан чуқурроқ назар ташланса, гап у ёки бу усулнинг афзаллиги ёки номатлублигида эмас, балки самаралироқ, арзонроқ ва безарарини танлашдадир.

1.6Узга географик иклим шароитида етиштирилган мевалар таркибидаги нитратлар ва уларни жигарга таъсири буйича замонавий маълумотлар

Шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки кўпчиликда хориждан келтириладиган турфа меваларни истеъмол қилишга ўчлик бор.

Охирги 2000 йил ичида дунё ахолиси 1000 марта купайган булса, озик овкат махсулотлари эса 100 марта купайган. (Лобзин Ю.В, Белозеров Е.С, Беляева Т.В.,Буланьков Ю.И. Очеки обший инфектологии .Л.2007) Ахоли миграциясини усиши, озик овкат махсулотларини, узга географик иклим шароитида етиштирилган меваларни (хорижий олма, нок,лимон, банан, мандарин, киви) хам импорт ва экспорт килинишини усишига олиб келди.

Аксарият экспорт килинаётган мевалар тропик мамлакатлар, яъни нам серёмгир иклимли географик минтакаларда етиштирилади. Бундай серёмгир ва нам шароитли мамлакатлар тупроги, суви, мева ва сабзавотлари таркибида нитратлар микдори бошка иссик серкуёш минтакаларга нисбатан нитратлар микдорини нисбатан юкори булишлиги табиийдир.Нитратлар ва уларни соглом одам организимига таъсри масаласи атрофлича урганилган.

Озик овкатларга тинимсиз усиб бораётган эхтиёжни кондириш максадида ерга минерал угитлар билан хам ишлов бериш жадал ривожланиб бормокда. Айникса минерал угитлар ва пестицидларни экспорт килиш жадал ривожланиб бормокда. Болтикбуйи, Ленинград ва Москва областларида, Молдавия, Беларуссия, Украинанинг айрим регионларида етиштириладиган 30% хажмдаги мева ва сабзавотларнинг таркибидаги нитратлар микдори нормага нисбатан юкоридир. (Опополь и др. 1986; Сопильняк, Федотова, 1987; Ажипа и др., 1990; Черпяева И.И., 1990; Бабаев, 1997; Kanapatskaia et all, 1998; Дзугкоев и др., 1999; Гиясов, Якубова, Юлдашев, 1998; Гиясов, 1999; Искандаров, 2000; Мецлер, 2000; Шукурова, 2002; Бояркин и др., 2004

Купчилик текширишлар натижасида шу нарса аникланганки кишлок хужалигида минерал угитлар ва пестицидларни кенг ишлатилиши атроф мухитни, жумладан: атмосфера хавосини, тупрокни, истемолдаги сувни, мева ва сабзавотларни ифлосланишига, натижада одам ва тирик мавжудотлар хаётига реал хаф сола бошлашига олиб келмокда. (Сопильняк Н.Т. и др. 1987; Ажипа Я.И. и др., 1990; Арустамова Э.А., 2001; Berdus M.G., 2002; Бояркин Е.В. и др., 2004; Гриценко В.С., 2005; Ярошенко Т. Я., 2007)

Одам ва хайвон организимида нитратларни кайталаниш реакциясини амалга оширувчи ферментлар йук. Озик овкатлар ва сув билан организимимизга кириб турадиган нитратларни узи анча микдорни ташкил килади. **(Дерягина и др., 1993).**

Нитратларни организимга токсик таъсири куйидагича ифодаланади: бирламчи токсик нитрат-ион таъсири; иккиламчи нитрит-ион хосил булиш токсик таъсири, ва учламчи нитритлар ва аминлардан нитрозаминлар хосил булиш токсик таъсиридир. Бундан ташкари нитратлар метаболизимининг организмдаги охирги махсулоти NO нинг « хужайра гормони» сифатидаги роли жадал урганилмокда (Комарова, 2001).

Нитратлар типик ксенобиотиклар хисобланиб одам ва хайвон микрофлораси томонидан метаболик жараёнларга катнашиб , аввал нитритларга сунгра аммоний катионларига айланади.

Нитратлар одам ошкозон ичак тизимидаги натрий, калий ва сув алмашинувига сезиларли салбий таъсир курсатади.Нитратлар кучли оксидловчилар булиб, конга сурилгандан сунг нитратредуктазалар таъсирида нитритларга айланиб, кондаги гемоглобин билан тъасирлашиб 2- валентли темирни 3- валентли темирга айлантиради. Окибатда кислородни таший олмайдиган метгемоглобин хосил булади. Шунинг учун хужайра ва тукимани нормал нафас олиши бузилади. (Ильинский, 1990; Жукова, 1997; Гоженко, Славина, 2001; Куценко, 2004).

Охирги 10 йилликда инсон фаолиятининг характери ва таъсир маштаби узгарди. Нитратлар организмга токсик таъсир курсатишдан ташкари унга струмиген таъсир хам килади. Узок муддат давомида нитратлар турли мева ва сабзавотлар оркали организимга киритилиб турилганда организмда анемия, неоплазмалар келиб чикади. (Экологическая оценка содержания нитратов и нитритов в пищевых продуктах растительного и животного происхождения и методы их сниженияте ма диссертации и автореферата по ВАК 03.00.16, кандидат биологических наук Фролова, Надежда Владимировна 2007)

Нитратлардан ташкари мева ва сабзавотлар Гиббереллинлар билан хам ишлов берилмокда. (Доктор медицинских наук, профессор, эколог Леонтий Иванович Сандуляк). Гиббереллинлар – бу органик кислоталарга ухшаш мода булиб гибберел замбругларидан олинади. У усимликларни

уругини ва баргини усишини стимуляторлари хисобланади. Хозирги кунда гиббереллинларни 27 хили фанда маълум булиб, буларнинг хаммаси карбон кислоталаридир.

Мева ва сабзавотлар одам организимга зарур булган витамин ва менерал моддаларни етказиб берувчи мухим таъминотчидир. Аммо мухим фойдали моддалар билан бирга мева ва сабзавотлар таркибида буладиган захарли нитратлар хам тушиб туради.

Мевалар таркибида нитратларни булиши нормал табиий холат булиб, мева дарахтлари учун азот манбаи хисобланади. Азот барча тирик организмлар учун зарур буладиган оксилни синтезлаш учун ишлатилади. Мевали дарахтлар учун нитратлар нафакат хосилдорликни оширади балки меваларни сифатини хам яхшилайди. Азот усимликлар томонидан нитрификация жараёнидан сунг узлаштирилади:-Аммиак – Нитритлар – Нитратлар.

Бирок нитратлар микдорини мевалар таркибида куп микдорда булиши одам ва хайвонлар учун токсик таъсир килади.. Нитатлар меваларни асосан илдизи , танаси ва баргларида булиб, кам микдорларда меваларида булади. Айникса меваларни хомида пишганига нисбатан нитратлар куп микдорда. тупланади. Бундан ташкари куёш нурини етишмаслиги, намликни куп булиши нитратларни оксилга айланишига каршилик килади, окибатида меваларда нитратларни йигилиб колишига олиб келади.

Охирги йилларда нитратлардан захарланиш амалиётда учрамайди. Бирок хориждан келтирилган ва таркибида азот кислотасини тузлари, масалан $NaNO_3$, KNO_3, NH_4NO_3, $Mg(NO_3)_2$, нормага нисбатан купрок микдорда буладиган мевалар келтирилиши ва савдога чикарилиши мумкин. Чунки мевалар канча узок муддат сакланса таркибидаги нитратлар микдори шунча ортиб боради.

Катта ёшдаги одамлар учун нитратларни мумкин булган чегаравий номаси одам массасини 1 кг га — 5 мг яъни 60 кг одам учун. 0,25 г . Бола учун 50 мг. куп булмаслиги керак.

